ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУЙИЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМИ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI QUYICHIRCHIQ TUMANI HOKIMI

Q A R O R
ҚАРОР

« 31 » январь 2017 йил — 79 - сон — Дўстобод шаҳри

Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналар, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда) ва Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2452, 2013 й. 25 апрель), (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (туман Мудофаа ишлари бўлими, туман Ички ишлар бўлимидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникаси бундан мустасно) корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техниканинг, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктлари асбоб-ускуналарини 1-иловага мувофиқ 2017 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун йиллик техник кўрикдан ўтказиш учун туман ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар тугатилсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш туман “Ўздавтехназорат” инспекцияси қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (О.Ахмедов)га юклатилсин.

5. Туман ҳокимининг 2016 йил 22 январдаги “Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиоратив техника ва ўзи юрар машиналари, қишлоқ хўжалиги машиналари, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2016 йил учун мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги 8-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Ботиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Абдураззоқов**

Қуйичирчиқ туман ҳокимининг
2017 йил " ___ " январдаги
___ - сон қарорига 1-илова

Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот, фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2017 йил учун техник кўрикдан ўтказиш

ЖАДВАЛИ

Т\р	Ҳудудлар ва ММТПлар номи	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Эслатма
1	Пахтачи ҳудуди	09.02.2017	
2	Пахтачи агросервис ММТП	09.02.2017	
3	Меҳнатобод ҳудуди	11.02.2017	
4	Нурли чаноқ ММТП	11.02.2017	
5	Дўстлик ҳудуди	13.03.2017	
6	Нуртехмададкор ММТП	13.03.2017	
7	Улуғбек ҳудуди	14.03.2017	
8	Улуғбек агро технология ММТП	14.03.2017	
9	Янги Ҳаёт ҳудуди	16.04.2017	
10	Гулистон ҳудуди	17.04.2017	
11	Гулистон олтин ери ММТП	17.04.2017	
12	Беруний ҳудуди	19.04.2017	
13	Голд агро плюс ММТП	19.04.2017	
14	Ҳамза ҳудуди	20.05.2017	
15	Ҳамза ММТП	20.05.2017	
16	Тошовул ҳудуди	21.05.2017	
17	Тошовул агро фаз барака ММТП	21.05.2017	
18	Юлдуз ҳудуди	23.06.2017	
19	Ужакент ҳудуди	24.06.2017	
20	Ужакент олтин техсервис ММТП	24.06.2017	
21	Ўзбекистон ҳудуди	25.06.2017	
22	Пахтазор агротехсервис ММТП	25.07.2017	
23	Абай ҳудуди	26.07.2017	
24	Отажонов ҳудуди	27.07.2017	
25	Отажонов ММТП	27.07.2017	
26	Навоий ҳудуди	01.08.2017	
27	Шоликор ММТП	01.08.2017	
28	Дўстобод агротехсервис МТП МЧЖ	01.08.2017	
29	Нурли истиқбол сервис МТП МЧЖ	01.08.2017	
30	Фермер хўжаликлари	01.08.2017	
31	Ободонлаштириш бўлими	01.08.2017	